

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИДА ИЖРО ИНТИЗОМИНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Жамият ҳаётининг барча соҳаларида олиб борилаётган ислохотларнинг самарали амалга оширилиши, биринчи навбатда, давлат ҳокимиятининг барча бўғинларида ижро интизомининг зарур даражада ташкил этилишига боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 августдаги "Ижро интизومي идоралараро ягона электрон тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Ф-5017-сонли фармойишига мувофиқ вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотларнинг "Ijro.gov.uz" ижро интизومي идоралараро ягона электрон тизимига (кейинги ўринларда – "Ijro.gov.uz" тизими) улаштириш таъминланди.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Ҳисоб палатаси томонидан "Ijro.gov.uz" тизими орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2 800 дан ортиқ қарорлари ва топшириқларининг тўлиқ ва ўз вақтида бажарилиши юзасидан тест режимида тизимли назорат олиб борилаётган.

Шу билан бирга, яратилган шароитларга қарамадан, айрим вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан ижро интизومي назоратини сифатли ва самарали ташкил қилиш, шунингдек, ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар ҳанузгача талаб даражасида йўлга қўйилмапти.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ва топшириқларига риоя этиш масалаларида масъулиятсизлик ва расмийчилик ҳолатлари учрамоқда, жамоатчилик назоратини ташкил этиш учун зарур шароитлар яратиш борасидаги чоралар самарасизлигича қолмоқда, иш юритишнинг ички жараёнларини автоматлаштириш бўйича таъсирчан чоралар кўрилмапти, шунингдек, ижро интизوميда консерватив-буйруқбозлик билан ёндашилишига йўл қўйилмоқда.

Ижро интизomini мустаҳкамлаш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ва топшириқларининг ижроси устидан назорат тизимини такомиллаштириш, шунингдек, уларнинг бажарилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш мақсадиди:

1. Белгилансинки:
Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ва топшириқларининг тўлиқ ва ўз вақтида ижро этилиши юзасидан назорат олиб боровчи, шунингдек,

"Ijro.gov.uz" тизими бўйича ишларни мувофиқлаштирувчи масъул давлат органи ҳисобланади;

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги "Ijro.gov.uz" тизимини доимий асосда техник қўллаб-қувватлаш ва такомиллаштиришни таъминловчи ишчи орган ҳисобланади;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси тузилмалари махфийлик белгиси остидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ва топшириқлари маълумотлар базасини юритиш ва уларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш учун масъул;

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг Оммавий коммуникациялар соҳасидаги мониторинг маркази оммавий ахборот воситаларида вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ва топшириқларининг ижро этилиши ҳақидаги жамоатчилик фикрини баҳолаб бориш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ислохотларни ҳуқуқий таъминлаш ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини мувофиқлаштириш масалалари бўйича маслаҳатчи бўлиниmalar, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси ва Бош прокуратурасига ахборот кириштириш учун масъулдир.

2. "Ijro.gov.uz" ижро интизومي идоралараро ягона электрон тизимининг ишлаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Администрацияси, Вазирлар Маҳкамаси, Ҳисоб палатаси, вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар ушбу низомга мувофиқ "Ijro.gov.uz" тизимида доимий ишлашнинг ташкил қилинишини таъминласинлар.

3. Белгилансинки:
2019 йил 1 январдан бошлаб республика ва ҳудудлар даражасидаги мажлис ва йиғилишларни ўтказиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг томонидан ўтказиладиган йиғилишлар бундан мустасно, фақатгина "Ijro.gov.uz" тизимидаги мажлислар ва йиғилишлар махсус марказлашган маълумотлар базасига ўтказиладиган тадбирнинг мақсади, натижалари, иштирокчилар таркиби ва давомийлиги кўрсатилган қайдар кириртилган сўнг амалга оширилади;

Давоми 2-бетда ➡

ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР

юқори унум, сифат ва самарадорлик омили

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган

Юқори Чирчиқ туманидаги "Yuqorichirchiq metall invest" Ўзбекистон – Канада қўшма корхонаси маҳсулотларига хорижда ҳам талаб катта.

– Бизнинг асосий вазифамиз экспорт ва импорт ўрнини боса оладиган сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш, – дейди корхона директори Азиз Алимов. – Бу борадаги изланиш ва интилишларимиз бесамар кетмапти. Цехларимизда 40 дан ортиқ турдаги ма-



сулот: қаттиқ шиналар, тақсимлаш ускуналари, кабель қисқичлари, йиғма камералар, металл яшик ва шкафлар ишлаб чиқарилади. Улар эгилувчанлиги, зангламаслиги, ўтга чидамлилиги билан харидорларга маъқул бўлмоқда.

Корхона "Олмалик кон-металлургия комбинати"нинг сифатли мис хом ашёсидан фойдаланган

ҳолда, замонавий технологик стандартларга мос маҳсулотлар ишлаб чиқаради. Шу сабабли, маҳсулотларнинг катта қисми Россия, Туркия ва Бирлашган Араб Амирликларига экспорт қилинади.

Ҳозирги кунда 75 нафар тажрибали мутахассис фаолият олиб бораётган корхонада йил охиригача рақамли электр тақсимлагичли

Ўз муҳбиримиз М. ХИММАТОВ олган суратлар

МАКТАБЛАР МАВСУМГА ШАЙ

Янгийўл туманида ҳам куз-қиш мавсумига пухта тайёргарлик кўрилмоқда. Бунда иқтисодиёт тармоқлари, айниқса, ижтимоий соҳаларнинг мавсумда барқарор ишлашини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Қишга тайёргарлик – муҳим вазифа

Президентимизнинг 2018 йил 12 июлдаги "Республика иқтисодиёти тармоқлари ва ижтимоий соҳаларини 2018/2019 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга комплекс тайёргарликни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори бу борада муҳим дастуриямал бўлаётди.

Туманда 55 та умумтаълим мактаби, шу жумладан, битта "Баркамол авлод" болалар маркази фаолият юритмоқда. Туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимининг маълум қилинишича, мазкур таълим муассасаларини 2018-2019 йил куз-қиш мавсумида барқарор ишлашга тайёрлаш бўйича махсус ишчи гуруҳи ташкил этилган. Амалга оширилиши лозим бўлган зарур вазифалар белгиланиб, қурилиш-таъмирлаш ишларига маҳаллий бюджет ҳисобидан 681 миллион сўм маблағ йўналтирилган.

Тасдиқланган тадбирлар режаси асосида 15 та умумтаълим мактабида жорий таъмирлаш ишлари бажарилди. Муассасалардаги 310 погонметр ички иситиш тизими, 1800 квадрат метр фасад қисми таъмирланиб, биноларнинг 20 квадрат метр

синган ойналари янгиланган.

Бундан ташқари, инвестиция дастури бўйича жорий йилда 17-умумтаълим мактаби филиалини қуриш режалаштирилган бўлиб, 1 миллиард 380 миллион сўм маблағ ҳисобига мазкур мактабнинг 120 ўринли биноси қуриб битказилди. Шунингдек, 19-умумтаълим мактабининг лойиҳа қиймати 2 миллиард 472 миллион сўм бўлган спорт зали ва ёрдамчи бинолар қуриш ҳам режалаштирилган.

"Обод қишлоқ" дастурига туманининг Халқобод ва Чортоқ маҳаллалари киритилган бўлиб, мазкур ҳудуддаги 28- ва 40-умумтаълим мактабида режалаштирилган

қурилиш-таъмирлаш ишларига алоҳида эътибор қаратилди.

– Мактабимизда 200 дан ортиқ ўқувчи икки сменада таълим олади, – дейди Чортоқ маҳалласидаги 40-умумтаълим мактаби директори Хуршида Зиядинова. – "Обод қишлоқ" дастури доирасида мактаб биносининг том қисми қайта таъмирланди. Хоналарнинг поли янгиланиб, ашик ва ромлар замонавийларига алмаштирилди.

Туманининг аксарият мактаблари марказлашган ва табиий газда, фақатгина 43-умумтаълим мактаби кўмир ёқилгани ёрдамида иситилади. Мавсумга тайёргарлик жараёнида таълим муассасаларининг иситиш тизими билан боғлиқ ишлар текширувдан ўтказилиб, аниқланган камчиликлар бартараф этилди. 43-умумтаълим мактаби учун талаб этиладиган 26,6 тонна кўмир брикетга талабнома берилиб, 6 тоннадан зиёдроги таълим муассасасига олиб келинди.

А. ХУДОЙҚУЛОВ,
ЎЗА муҳбири

Жараён

Ҳозирги глобаллашув жараёнида бутун дунё иқлими ўзгариб, қутилмаган табиий офатлар эҳтимоли бор экан, ҳар қандай фавқулодда вазиятларга тайёр туриш аҳоли хавфсизлигини таъминловчи зарур омилдир. Шунингдек, техник тараққиётнинг ўсиши, аҳоли сонининг тезда кўпаяётгани ҳам бу борадаги масъулиятни янада кучайтиради. Айниқса, фавқулодда ҳолатлар рўй берганда тинч аҳолига биринчи ёрдам кўрсатиш, турли талафотлар оқибатида азият чеккан эҳтиёжманд оилаларга кўмак бериш ҳамда уларни қўллаб-қувватлаш зарур.

АҲОЛИ ХАВФСИЗЛИГИ – АСОСИЙ МАҚСАД

Бу борада Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти вилоят ташкилоти томонидан бир қатор мақсадли ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 21 августдаги қарори доирасида 2018 йилда мақсадли бюджет маблағлари ажратилувчи МФЙлар тузиш кўзда тутилган. Ўзбекистон ҚЯОЖ давлат буюртмаси маблағлари ҳисобидан вилоятимиздаги 9 та маҳаллани, жумладан, Ангрен шаҳридаги "Янги Боғи Сурх", "Гулбоғ" ва "Обод", Олмаликдаги Усмон Носир номли, "Саховат" ва "Дўстлик" ҳамда Охангарон туманидаги "Ўзбекистон", "Чувилдок" ва "Кўксарой" МФЙларни зилзила, сел келиши, қор кўчиши, ер ўпирлиши ва сув тошқинлари содир бўлиши эҳтимоли бор ҳудудлар сифатида тажриба тариқасида қамраб олишни кўзда тутган. Уларни фавқулодда вазиятларда зарур бўладиган барча асбоб-ускуналар, тиббий анжомлар билан таъминлаш, маҳалла аҳолиси ўртасида ёрдамчи гуруҳларни тузиш ва уларни ўқитиш ҳамда аҳолига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш чоралари белгиланмоқда.

Бундан ташқари, аҳоли ва "Маҳалла фуқаро муҳофазаси" йиғма гуруҳи аъзоларини биринчи ёрдам кўрсатиш кўникмаларига ўқитиш ва ўқув-маслаҳат марказлари билан таъминлаш ҳам кун тартибидagi вазифадир.

Шуни таъкидлаш жоизки, қутилмаганда содир бўладиган фавқулодда ҳолатлардан огоҳ бўлишимиз, юзага келган вазиятларда эса бирдамликда ҳаракат қилишимиз зарур. Бу ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти вилоят ташкилоти

Мавсум

Маълумки, куз фасли пишиқчилик, ҳосил йиғиш, бошқача айтганда, ғалвирни сувдан кўтариш мавсуми ҳисобланади. Ушбу фаслда ризқу рўзимиз бўлган пахта ҳосили йиғиб-териб олинади. "Ҳашар – элга ярашар" деганларидек, ҳар биримиз далалардаги ҳосилни нест-нобуд қилмасдан йиғиштириб олишда муносиб ҳиссамизни қўйишимиз керак.

БОБОДЕҲҚОНГА КАМАРБАСТА БЎЛАЙЛИК

Нуроний отахон ва онахонлар дуою хайрлари, саховат-пешалар эса бегараз ёрдамлари билан пахтакорларга камарбаста бўлишлари мақсадга мувофиқдир.

Куни кеча "Тошкент ҳақиқати" газетасида чоп этилган

ҳудудларда тарғибот-ташвиқот олиб боровчи вилоят ишчи гуруҳининг Мурожаатини ўқиб, жуда тўлқинландим. Мурожаатдаги ҳар бир сатр кишини пахтазорга чорлайди. Зеро, Куръони каримда бу ҳақда: "...Бас, хайрли (са-

вобли) ишларда бир-бирингиздан ўзишга ошиқингиз...", дея марҳамат қилинган ("Моид", 48).

Муборак Ҳадиси шарифда эса "Киши дарахт ёки экин экса, Аллоҳ таоло ҳосил мислича унинг номаи аъмолига

ажру савоб ёзади", (Имом Аҳмад ривояти) дейилган.

Шу боис, ҳосилни йиғиб-териш мавсумини савоб ишлар фасли, дейилиши ҳам бежиз эмас.

Давоми 2-бетда ➡

Бизга ёздилар

ОХАНГАРОНДА ЁЗДА ҲАМ «ҚОР ЁҒАДИ»

"Халқ сўзи" газетасининг 2018 йил 13 сентябрь сониди Жиззах цемент заводидан атроф-муҳитга тарафбат бехисоб чанг-ғуборлар ҳақидаги мақолани ўқиб, жуда таъсирландим. Холбуки, бу завод ишга тушганига эндигина икки йил бўлди.

Бироқ, мана 57 йилдирки, Жиззахдаги заводдан деярли тўрт баробар катта бўлган Охангарон цемент заводининг бамисоли икки бошли аж-дахдек тутун миноралари атрофга чанг пуркамоқда. Ҳа, ишонаверинг, бир йилда мазкур заводдан Охангарон шаҳри ва ён-атрофдаги қишлоқларга саксон минг тонна чанг (аслида, бу энг сифатли цемент) чиқарилмоқда. Маълумки, "Охангарон цемент" акциядорлик жамияти мамлакатдаги иккинчи йирик цемент ишлаб чиқарадиган тузилма ҳисобланади. Бугунги кунда корхона Москвада жойлашган "Евроцемент" гуруҳига қарашли бўлиб, маълумотларга кўра, унинг депозит ҳисоб-китоб варағида етарли маблағ бор.

Давоми 3-бетда ➡

2019 Тошкент Ҳақиқати газетасига
Йил учун
Обуна бошланди!

